
2023 йилги “Ташаббусли бюджет” лойиҳасининг 1-мавсумида
Ўзбекистон туманида умумий қиймати 8,274 млрд сўм бўлган 6 та
ташаббус ғолиб бўлди

“Ташаббусли бюджет” лойиҳасининг 2023 йил 1-мавсуми якунланди. Жорий йилнинг 18 мартдан 7 апрелга қадар давом этган жараёнда туманимизда жамоатчилик томонидан илгари сурилган таклифларнинг 117 таси овоз бериш босқичига ўтказилган бўлиб, ушбу таклифларга жами 249,77 мингта овозлар тўпланди.

Ташаббусли бюджет лойиҳасининг натижаларига кўра туманда амалга ошириш қиймати 8,274 млрд сўмлик 6 та энг кўп овоз тўплаган лойиҳалар ғолиб деб топилди.

Хусусан, “Сулаймон”, “Ислом”, “Ўқчи туман”, “Фаровон келажак”, “Элчи” ҳамда “Нурсух” маҳалла фуқаролар йиғинидаги ички йўлларни (пиёдалар йўлакчаси, йўл ўтказгичлар) таъмирлаш билан боғлиқ тадбирлар овоз бериш йўли билан ғолиб дея топилиб, мазкур таклифлар молиявий қўллаб-қувватланадиган бўлди.

Туман бўйича ғолиб ташаббуслар рўйхати билан [ушбу манзилда](#) танишишингиз мумкин.

2023-04-07 22:44:44